



**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ  
МИЛЛИЙ БАНКИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ  
ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИНГ  
3 – сонли баёни**

---

Манзил: Ўзмиллийбанк Бош офиси, Тошкент  
шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй.

2020 йил “11” июль  
Иш вақти: 10:30 – 12.30

Ўзмиллийбанк АЖнинг акциядорларининг 2019 йил якуни бўйича йиллик умумий йиғилишини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг биринчи ўринбосари Насритдинходжаев Омонулло Забихуллаевич очди ва қуйидагиларни маълум қилди.

Банк Кузатув кенгаши томонидан 20.06.2020 йилдаги 23- ва 24-сонли мажлис баёни билан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлар ҳамда Ўзмиллийбанкнинг Уставига мувофиқ Ўзмиллийбанк акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини 11.07.2020 йилда чақириш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда умумий йиғилишни ўтказиш вақти, жойи, кун тартиби тўғрисидаги ҳабар 19.06.2020 йилда Банкнинг расмий веб-сайтида, Корпоратив маълумотлар ягона порталида ҳамда “Ҳалқ сўзи” газетасининг 2020 йил июнь ойидаги 135(7606)-сонида жойлаштирилган, акциядорларнинг электрон почта манзилларига юборилган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 61-моддаси ҳамда Кузатув кенгашининг қарорига биноан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузиш санаси 07.07.2020 йил деб белгиланган.

Акциядорлар йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 07.07.2020 йил ҳолатига шакллантирилган.

11.07.2020 йил ҳолатига банкнинг Устав капитали 11 582 700 201 000 (*ўн бир триллион беш юз саксон икки миллиард етти юз миллион икки юз минг*) сўмни ташкил қилади ва у 11 582 700 201 (*ўн бир миллиард беш юз саксон икки миллион етти юз минг икки юз бир*) дона номинал қиймати 1000 (минг) сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий акциялар ташкил қилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишининг ваколатли эканлиги (кворумга эга эканлиги) бўйича сўз Санок комиссияси раиси – Баҳром Юсуповга берилди.

Санок комиссияси томонидан Ўзмилийбанк акциядорларининг реестрига кўра, 07.07.2020 йил ҳолатига йиллик умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга 11 582 700 201 дона оддий акциялар эгаси бўлган 2 (икки) та акциядор киритилганлиги маълум қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги – 4 807 929 061 дона (41,5%) оддий акциялар ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси - 6 774 771 140 дона (58,5%) оддий акцияларга эгалик қилади.

Акциядорлар рўйхатининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва акциядорлар номидан Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган вакилларнинг ваколатлари тасдиқланди.

Санок комиссияси йиғилишда иштирок этиш учун умумий овоз берувчи акцияларнинг 11 582 700 201 донасига ёки 100,0 фоизига эгалик қилувчи 2 нафар акциядор ва уларнинг вакиллари рўйхатдан ўтганлиги ва Умумий йиғилиш ваколатли, яъни кворум мавжудлигини маълум қилди.

Йиғилишга раислик қилувчи О.Насритдинходжаев Ўзмилийбанк акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини очиқ деб эълон қилди ва йиғилишида банк акциядорлари, Банк бошқарув аъзолари ва банкнинг масъул департамент директорлари, иштирок этаётганлиги тўғрисида маълум қилди.

Акциядорлар умумий йиғилишининг Ишчи органлари қуйидаги таркибда тузилди.

Йиғилиш ҳайъати: О.Насритдинходжаев, Ш.Вафаев

Йиғилиш котиби: Б. Юсупов.

Санок комиссияси: Б.Юсупов, Б.Ярашбоев, Ж.Мухаммадиев.

**Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:**

1. Банкнинг 2019 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш. Банк Кузатув кенгаши ва Бошқарувининг йиллик ҳисоботи, Банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ва ўтказилган ташқи аудит ҳисоботларини эшитиш.

2. Банк тафтиш комиссиясини ҳулосасини эшитиш.

3. Банк фойдасини тақсимлаш.

4. Банк устав капиталини кўпайтириш тўғрисида ва банк уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақида қарорларни қабул қилиш.

5. Банк Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

6. Банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

7. “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисоб рақамларида 5 йилдан ортиқ муддатдан буён ҳисоби юритилаётган ва ундириш манбалари мавжуд бўлмаган кредит қарздорликларни ҳисобдан чиқариш.

8. Банк бошқаруви раиси ва аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаларини бир йил муддатга узайтириш.

9. Банкда Корпоратив бошқарув кодекси тавсиялари ва Корпоратив бошқарув қоидаларига риоя қилиш ҳамда бу тўғрисида хабар бериш шаклини тасдиқлаш.

#### **Умумий йиғилишнинг иш тартиби қуйидагича белгилаб олинди:**

Кун тартибига киритилган масала бўйича ҳисобот ва ахборот бериш, музокараларда сўзга чиқиш, овоз бериш учун қуйидаги регламент ўрнатилди:

- Банк кенгаши ва Бошқарувининг йиллик ҳисоботини, банкнинг 2019 йил фаолияти натижаларига эришиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини эшитиш учун - 20 дақиқагача вақт бериш;

- Банк тафтиш комиссиясини хулосасини эшитиш учун - 10 дақиқагача;

- маърузалар бўйича муҳокомага – 10 дақиқагача;

- кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга – 30 дақиқагача;

- кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш учун - 5 дақиқагача.

Кун тартибига киритилган масала бўйича овоз бериш тартиби ҳам белгиланиб олинди.

Кун тартибидаги **биринчи масала** – “Банкнинг 2019 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш. Банк Кузатув кенгаши ва Бошқарувининг йиллик ҳисоботи, Банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ва ўтказилган ташқи аудит ҳисоботларини эшитиш” масалалари юзасидан Банк бошқарув Раиси А.Мирсоатов маъруза қилди ва йиғилиш иштирокчиларига банк томонидан 2019 йилда эришилган молиявий кўрсаткичлар, амалга оширилган ишлар, ютуқлар ҳамда келгусида банкни трансформация қилиш жараёнида режалаштирилган ишлар ва истикболда эришиш учун белгиланган кўрсаткичларга батафсил қисқача тўхталиб ўтди.

Жумладан, 2020 йил 1 январ ҳолатига Ўзмилийбанк активлари 66,6 трлн.сўмни ташкил этиб, ўрнатилган режа кўрсаткичи 100,5% бажарилган. Олинган даромадлар 5 979,0 млрд.сўмни (режа 144 % га бажарилган), соф фойда кўрсаткичи 1 043,6 млрд.сўмни (режа 155 % га бажарилган) ташкил этди.

Банк кредит портфели 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига 55,0 трлн.сўмни ташкил этиб, ўтган йил давомида жами 27,4 трлн.сўм кредитлар ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4487-сонли Қарорига асосан Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан олинган 666,2

млн.доллар экв.даги (6,34 трлн.сўм) кредит маблағлари Банкнинг устав капиталига ўтказилди ва Устав капитали 11 582,7 млрд. сўмга етказилди.

2019 йил якунлари бўйича Активлар рентабеллиги 1,5%ни (2018 йилда 1% ни ташкил этган), капитал рентабеллиги 16,0 % ни (2018 йилда 9,4% ни ташкил этган), операцион самарадорлик кўрсаткичи эса 35,6 % ни (2018 йилда 45,9% ни ташкил этган) ташкил этди.

Ўзмилийбанк томонидан Марказий банк томонидан ўрнатилган барча меъёрий талаблар тўлиқ бажарилмоқда. Жумладан, 01.01.2020 йил ҳолатига кўра:

- капитал етарлилиги коэффиценти - 31,9% (меъёр - 13%);
- жорий ликвидлик коэффиценти - 82,4% (меъёр - 30%);
- ликвидликни қоплаш коэффиценти - 153,3% (меъёр - 100%);
- соф барқарор молиялаштириш коэффиценти - 106,2% (меъёр - 100%) ни ташкил этади.

Кун тартибидаги **иккинчи масала** – “Банк тафтиш комиссиясини хулосасини эшитиш” юзасидан Тафтиш комиссияси Раиси Ж.Абдушукуров маъруза қилди. Жумладан, Тафтиш комиссияси:

текширувни “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 107-моддаси ва банк акциядорлари умумий йиғилишининг 2019 йил 25 декабрдаги 1-сонли баённомаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомга асосан ўтказилганлиги;

банк таркибида 01.01.2020 йил ҳолатига 73 та филиал, 30 та мини-банк, 28 та банк хизматлари кўрсатиш марказлари ҳамда 85 та банкдан ташқари ташкил этилган кассалар мавжудлиги;

Банкнинг халқаро молиявий ҳисоботларнинг стандартлари (МСФО) асосида 2019 йил учун аудит текшируви “Ernst & Young” АТ МЧЖ томонидан ўтказилганини қайд этди.

Шуниндек, тафтиш комиссияси раиси банк активлари, мажбуриятлари, банк ликвидлиги кўрсаткичларига батафсил тўхталиб ўтди.

Шу жумладан тафтиш комиссияси раиси томонидан банкнинг инвестицион портфелида бир неча йил давомида даромад келтирмайдиган инвестициялар мавжудлиги, шунингдек банкнинг кредит портфелидаги кредитларнинг таснифи бўйича қўшимча захиралар яратилиши зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Кун тартибидаги **учинчи масала** “Банк фойдасини тақсимлаш” юзасидан банк бошқарув Раиси А.Мирсоатов тушунтириш берди. У ўз сўзида мазкур масала банк Кузатов Кенгашининг 19.06.2020 й.даги баённомаси билан дастлабки тарзда

кўриб чиқилганлиги ҳамда ушбу масала бўйича тавсиялар тарқатма материалларда келтирилганлигини маълум қилди.

Акциядорлар томонидан банкнинг 2019 йил натижалари бўйича шаклланган соф фойдасининг тақсимланиши юзасидан берилган саволларга Банк бошқаруви раиси тушунтириш берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.11.2019 йилдаги ПҚ-4540-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” унитар корхонасини акциядорлик жамияти шаклида қайта ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда 15.04.2020 йилдаги ПҚ-4679-сонли “Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида, банкнинг 2019 йил якуни бўйича “Ernst&Young” ташқи аудиторлик компанияси томонидан тасдиқланган банк соф фойда миқдори ва қўшимча захиралар яратилиши тўғрисидаги хулосасидан келиб чиқиб, банкнинг соф фойдасидан стандарт активлар бўйича ҳамда умумий захира фондига ажратмалар, шунингдек акциядорларга дивиденд тўлашга ҳамда уларнинг улушини оширишга йўналтириш мақсадга мувофиқлигини қайд этди.

Кун тартибидаги **тўртинчи масала**, банк устав капиталини кўпайтириш тўғрисида ва банк уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақида қарорларни қабул қилиш юзасидан банкнинг Стратегик ривожлантириш департаменти директори Б.Алимов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.11.2019 йилдаги ПҚ-4540-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” унитар корхонасини акциядорлик жамияти шаклида қайта ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан банкнинг 2019 йил якуни бўйича “Ernst&Young” ташқи аудиторлик компанияси томонидан тасдиқланган банк соф фойдасининг тегишли қисми банк устав капиталига акционерлар улушини оширишга йўналтириш кўзда тутилганлигини эслатиб ўтди ва шу масала юзасидан банк томонидан қўшимча чиқариладиган акциялар ва банк уларнинг акциядорлар ўртасида тақсимланиши юзасидан тушунтириш берди.

Кун тартибидаги **бешинчи ва олтинчи**, яъни Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш масалалари юзасидан Умумий йиғилиш раиси акциядорлар томонидан берилган номзодлар юзасидан маълумот берди.

Кун тартибидаги **еттинчи масала**, яъни “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисоб рақамларида 5 йилдан ортиқ муддатдан буён ҳисоби юритилаётган ва ундириш манбалари мавжуд бўлмаган кредит қарздорликларни ҳисобдан чиқариш юзасидан Бошқарув Раиси ўринбосари Қ.Туляганов тушунтиришлар берди ва ушбу масала банк Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилганлигини маълум қилди.

Кун тартибидаги **саккизинчи** масала юзасидан Йиғилишга раислик қилувчи Банк бошқаруви раиси ва бошқарув аъзолари томонидан банкнинг 2019 йилдаги фаолиятида эришилган ютуқлар ва банк олидида турган долзарб масалаларга яна бир бор тўхталиб ўтди ва банк Бошқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаларини бир йилга узайтириш масаласини таклиф қилди.

Кун тартибидаги **тўққизинчи масала** юзасидан банкнинг Корпоратив бошқарув хизмати бошлиғи Б.Юсупов сўзга чиқди ва Ўзмилийбанк 2020 йил бошидан акциядорлик жамияти сифатида фаолият кўрсатаётгани ҳамда банкда корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш мақсадида банкда Корпоратив бошқарув кодекси тавсиялари ва Корпоратив бошқарув қоидаларига риоя қилиш мақсадга мувофиқлигини қайд этди.

Кун тартибига киритилган масалани кўриб чиқиш натижасига кўра, банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши

### **ҚАРОР ҚИЛДИ:**

1. Банкнинг 2019 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи, Банк Кузатув кенгаши ва Бошқарувининг йиллик ҳисоботи, банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботи ва ўтказилган ташқи аудит ҳисоботи тасдиқлансин.

**Овоз берилди: 11 582 700 201 овоз.**

**“Ёқлайман”- 11 582 700 201 овоз (100%), “Қаршиман” - йўқ, “Бетарафман” - йўқ.**

2. Банк тафтиш комиссияси хулосаси тасдиқлансин. Ўзмилийбанк АЖ тафтиш комиссияси тўғрисида низомга мувофиқ тафтиш комиссияси аъзоларига банкнинг 2019 йил фаолиятини тафтиш ўтказганлиги учун мукофот пули тўлансин.

**Овоз берилди: 11 582 700 201 овоз.**

**“Ёқлайман”- 11 582 700 201 овоз (100%), “Қаршиман” - йўқ, “Бетарафман” - йўқ.**

3. Ўзмилийбанк Бошқарувининг 2019 йил якуни бўйича соф фойдаси миқдори 1 043 647 194 456,48 сўмни ташкил этганлиги тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин. Мазкур соф фойда тақсимланишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.11.2019й. ПҚ-4540-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” унитар корхонасини акциядорлик жамияти шаклида қайта ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда 15.04.2020 йилдаги ПҚ-4679-сонли “Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари талаблари, “Ernst&Young” ташқи аудиторлик компаниясининг ҳисоботига кўра яратилиши лозим бўлган заҳираларни ҳисобга олган ҳолда

банкнинг соф фойдаси миқдори 832 406 691 505,92 сўмни ташкил этганлиги маълумот учун қабул қилинсин, шунингдек - соф фойданинг 105 598 143 227,74 сўми Ўзмиллийбанк унитар корхонаси Кенгашининг 29.04.2019 йилдаги 32-сонли баёнига мувофиқ ва Марказий банк кўрсатмаларига асосан 2019 йилнинг июнь ойида “стандарт” деб таснифланган активлар бўйича заҳира шакллантиришга йўналтирилганлиги инобатга олинсин.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, шунингдек банк Кузатув кенгаши тавсиясидан келиб чиқиб, соф фойдани тақсимлаш қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

- Умумий мақсадли заҳирани шакллантиришга - 105 642 359 722,82 сўм;

- банк устав капиталида акциядорлар улушини оширишга (*қўшимча акциялар чиқариш орқали дивиденд тўлаш*) – 416 183 345 263,16 сўм, шу жумладан 20 809 167 263,16 сўм солиқ тўловларига;

- акциядорларга, уларнинг улушига мос равишда, пўл маблағлари кўринишида дивиденд тўлаш учун 416 223 346 242,76 сўм\*, шу жумладан 20 811 167 312,14 сўм солиқ тўловларига. Дивиденд тўлаш муддати мазкур қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 кун ичида амалга оширилади.

**Овоз берилди: 11 582 700 201 овоз.**

**“Ёклайман”- 11 582 700 201 овоз (100%), “Қаршиман” - йўқ, “Бетарафман” - йўқ.**

*Изоҳ\*:* 30.06.2020й.да Ўзмиллийбанк томонидан Молия вазирлигига 68,4 млрд. сўмлик бўнак тўлови дивиденд ҳисобидан тўлаб берилди

4. Мазкур баённинг 3-бандида банк акциядорларининг банк устав капиталида уларнинг улушини мос равишда ошириш (акциялар кўринишида дивиденд тўлаш йўли билан) қайд этилганлиги муносабати билан, қуйидаги қарорлар қабул қилинсин:

4.1. Номинал қиймати 1000 (минг) сўм бўлган жами 395 374 178 дона оддий акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор иловага мувофиқ тасдиқлансин ва ушбу чиқарилаётган акциялар ёпиқ обуна йўли билан қуйидаги тартибда жойлаштирилсин:

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги – 164 118 121 дона номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган, эгасининг номи ёзилган 164 118 121 000 сўмлик оддий акциялар;

- Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси – 231 256 057 дона номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган, эгасининг номи ёзилган 231 256 057 000 сўмлик оддий акциялар;

4.2. Акциялар ҳақини тўлаш тартиби қуйидагича белгилансин. Банкнинг амалдаги шакллантирилган устав капиталидаги маблағлар иштирокчилари улушига мутаносиб равишда, яъни қуйидаги тартибда маъқуллансин:

- Молия вазирлиги – 4 972 047 182 дона номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган, эгасининг номи ёзилган 4 972 047 182 000 сўмлик оддий акциялар, шундан 4 807 929 061 000 сўмлик қисми илгари шакллантирилган устав капитали ҳисобига, 164 118 121 000 сўмлик қисми тўланади дивиденд ҳисобига шакллантирилади;

- Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг – 7 006 027 197 дона номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган, эгасининг номи ёзилган 7 006 027 197 000 сўмлик оддий акциялар, шундан 6 774 771 140 000 сўмлик қисми илгари шакллантирилган устав капитали ҳисобига, 231 256 057 000 сўмлик қисми тўланадиган дивиденд ҳисобига шакллантирилади.

4.3 Ўзмиллийбанк Кузатув Кенгаши мазкур банд талабларидан келиб чиқиб, банк устав капиталини ошириш ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” Акциядорлик жамиятининг Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ масалаларни қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширсин.

**Овоз берилди: 11 582 700 201 овоз.**

**“Ёқлайман”- 11 582 700 201 овоз (100%), “Қаршиман” - йўқ, “Бетарафман” - йўқ.**

5. Кумулятив овоз бериш тартибига натижаларига кўра, Банк Кузатув Кенгаши аъзолари қуйидаги тартибда сайлансин:

№	Сайланувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми	Эгаллаб турган лавозими	Тўпланган овозлар сони
1.	Насритдинходжаев Омонулло Забихуллаевич	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг биринчи ўринбосари	11 582 700 201
2.	Рустамов Олимхон Боқиевич	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг ўринбосари	11 582 700 201
3.	Мирзаев Мубин Мухитдинович	Давлат солиқ қумитаси раисининг биринчи ўринбосари	11 582 700 201
4.	Норгитов Мухитдин Журабоевич	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси юридик хизмат бошлиғи	11 582 700 201
5.	Муслимов Элбек	“Old Street Advisory Limited” (Буюк Британия), мустақил аъзо*	11 582 700 201



\*Муслимов Элбек - Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 17.02.2020 йилдаги №РА-1-3015-сонли топшириғига асосан Кузатув кенгашига мустақил аъзо сифатида ёлланган эксперт:

чоракда камида бир марта банкнинг умумий фаолиятини бошқариш жараёнида, яъни Кузатув кенгаш йиғилишида тўғридан-тўғри қатнашиш, шунингдек масофавий тарзда банк ҳисоботлари билан танишиб бориш ва бошқарув масалаларида зарур маслаҳатлар бериб боради;

меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари банк ҳисобидан қопланади ва йиллик мукофот пули миқдори 12 минг АҚШ доллари (бир ойда 1 000 АҚШ доллари) этиб белгиланади ва у иш юзасидан Ўзбекистонда бўлган даврда унинг яшаш ва транспорт харажатлари (Ўзбекистонга чет мамлакатдан учиб келиш/кетиш авиачипталари шу жумладан) банк томонидан қопланади;

Кузатув кенгаши ҳужжатларини (протоколлар) масофавий тарзда кўриб чиқади (е-мейл ёки ёзиб олинган видеоконференция орқали хулоса беради,) ва уларнинг асл нусхаларини Ўзбекистонда бўлган даврда имзолаб беради.

Банк Корпоратив бошқарув хизмати бошлиғи Б.Юсупов банк Кузатув Кенгаши аъзолари билан бирга 2020 йилнинг қолган даври учун учун Кузатув Кенгашининг иш режасини ишлаб чиқсин.

#### 6. Банк Тафтиш комиссияси таркиби қуйидагича сайлансин:

№	Комиссия аъзосининг фамилияси, исми ва	Эгаллаб турган лавозими
1.	Туляганов Фаррух Абдурасулович	Тикланиш ва таррақиёт жамғармаси бўлим бошлиғи
2.	Нургалиев Фарход Рашидович	Тикланиш ва таррақиёт жамғармаси бош мутахассиси
3.	Досматов Фарход Муслумонович	Молия вазирлиги, директор ўринбосари
4.	Абдушукуров Жамшид Абдигалипович	Молия вазирлиги, департамент директори

**Овоз берилди: 11 582 700 201 овоз.**

**“Ёқлайман”- 11 582 700 201 овоз (100%), “Қаршиман” - йўқ, “Бетарафман” - йўқ.**

7. Банк бошқаруви (10.03.2020.йдаги №48 ва 08.04.2020й.даги №63-сонли қарорлар) ва Кузатув кенгаши томонидан “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисоб рақамларида 5 йилдан ортиқ муддатдан буён ҳисоби юритилаётган ва ундириш манбалари мавжуд бўлмаган кредит қарздорликларни ҳисобдан чиқариш юзасидан берилган таклифига розилик берилсин.

**Овоз берилди: 11 582 700 201 овоз.**

**“Ёқлайман”- 11 582 700 201 овоз (100%), “Қаршиман” - йўқ, “Бетарафман” - йўқ.**

8. Банк бошқарув раиси – А.Мирсоатов ва бошқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномалари 1 (бир) йил муддатга узайтирилсин.

**Овоз берилди: 11 582 700 201 овоз.**

**“Ёқлайман”- 11 582 700 201 овоз (100%), “Қаршиман” - йўқ, “Бетарафман” - йўқ.**

9. Банда Корпоратив бошқарув кодекси тавсиялари ва Корпоратив бошқарув қоидаларига риоя қилиш ҳамда бу тўғрисида хабар бериш шакли иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Овоз берилди: 11 582 700 201 овоз.  
“Ёқлайман”- 11 582 700 201 овоз (100%), “Қаршиман” - йўқ, “Бетарафман” - йўқ.

Ўзмилийбанк акциядорларининг  
Йиллик умумий йиғилиши раиси

О.З. Насритдинходжаев

Йиғилиш котиби,  
Банк корпоратив бошқарув  
хизмати бошлиғи

Б.М. Юсупов

9. Банкда Корпоратив бошқарув кодекси тавсиялари ва Корпоратив бошқарув қоидаларига риоя қилиш ҳамда бу тўғрисида хабар бериш шакли иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Овоз берилди: 11 582 700 201 овоз.  
“Ёқлайман”- 11 582 700 201 овоз (100%), “Қаршиман” - йўқ, “Бетарафман” - йўқ.

Ўзмилийбанк акциядорларининг  
Йиллик умумий йиғилиши раиси



О.З. Насритдинходжаев

Йиғилиш котиби,  
Банк корпоратив бошқарув  
хизмати бошлиғи



Б.М. Юсупов



А. Мирсоатов



Жамиш Абдурашидов